



**Д.Х. КАДИРБЕКОВА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ  
ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**LINGUISTIC PECULARITIES  
OF IT TERMINOLOGY IN ENGLISH  
AND UZBEK LANGUAGES**

**ТОШКЕНТ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Д.Х. КАДИРБЕКОВА**

**ИНГЛИЗ ВАЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ  
ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**\*\*\*  \*\*\***

**LINGUISTIC PECULARITIES OF IT  
TERMINOLOGY IN ENGLISH AND UZBEK  
LANGUAGES**

**ТОШКЕНТ – 2016**

**УЎК: 004:001.4:811.111**  
**004:001.4:811.512.133**

**КБК 81.1**  
**К-15**

**К-15**      **Д.Х. Кадирбекова. Инглиз ва ўзбек тилларида ахборот технологиялари терминологиясининг лингвистик хусусиятлари. Linguistic Peculiarities of IT Terminology in English and Uzbek Languages. –Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 128 бет.**

**ISBN 978–9943–11–303–9**

Ушбу монография «Инглизча-ўзбекча АТ терминологияси ва лексикографик муаммолари» тадқиқот ишининг натижалари асосида яратилган бўлиб, инглиз ва ўзбек тили илмий-техникавий тилшунослигининг такомиллашишида катта аҳамият касб этади. АТ терминологияси ва терминографиясининг ривожланишига ёрдам беради. Монография терминшунослар, луғатшунослар, АТ соҳаси мутахассислари ҳамда кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

**УЎК: 004:001.4:811.111**  
**004:001.4:811.512.133**  
**КБК 81.1**

***Масъул муҳаррир:***

**В.Х. Газиева** – ТАТУ Чет тиллари кафедраси мудири

***Тақризчилар:***

**Р.Н. Усмонов** – техника фанлари доктори, ТАТУ профессори;  
**Х.С.Мухитдинова** – педагогика фанлари доктори, ЎзДЖТУ профессори;

*Монография Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг 2016 йил 29 августдаги 1(661)-сон қарори билан нашрга тавсия этилди.*

**ISBN 978–9943–11–303–9**

**© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2016.**

## КИРИШ

Ахборотлашган жамият асри деб эътироф этилган XXI асрда, ахборотнинг тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат тараққиёти ва равнақининг бош мезонига айланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, биз ўзимизга шуни аниқ тасаввур этишимиз керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади. Биз қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур.<sup>1</sup> Ҳақиқатдан ҳам, бугунги шароитда, Интернет ва электроника даврида иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, «Электрон ҳукумат» тизими фаолиятини янада ривожлантириш устувор аҳамиятга эгадир. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, айти пайтда глобал иқтисодиётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши мамлакатнинг рақобатбардошлик даражасига таъсир кўрсатиш, катта ҳажмда ахборот тўплаш ва уни умумлаштириш имконини бериши, бошқаришни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар очиб беришини унутмаслигимиз зарур.<sup>2</sup> Биринчи Президентимизнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ушбу дастурий кўрсатмалари ижросини таъминлаш мақсадида коммуникация тизими ва унга ёндош соҳаларни ривожлантиришга қаратилган қатор илмий тадқиқий изланишлар олиб борилмоқда.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш эттириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 2013. - 199 б.

<sup>2</sup> И.А.Каримов. «Мамлакатимизни 2015 - йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 - йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси – 2016й. 16 январь. – 1- саҳифа.

Маълумки, илм-фаннинг ривожланиши янги объект ва ҳодисаларни номлаш учун махсус сўзлар – терминларнинг пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, илмий-техникавий тилшуносликнинг ривожланишида жамиятнинг зарурий эҳтиёжлари, талаблари энг муҳим ташқи омиллар деб эътироф этилади.

Терминлар фан ва техника соҳаларининг асосини ташкил этадиган қатъий ажралмас қисмларидан бири ҳисобланади, ҳар қандай илмий ахборотни идрок этиш даражаси махсус терминларни билиш билан белгиланади. Ахборот технологияларининг жадаллашуви, мазкур соҳа ютуқларини ижтимоий турмушда қўлланилиши ва уларни жорий қилиниши натижасида, миллатлараро иқтисодий ва техник ҳамкорликнинг ривожланиши янада юқори поғоналарга кўтарилмоқда. Бир-бирига қардош бўлмаган инглиз ва ўзбек тилларида ахборот технологиялари соҳаларига оид терминологик birlikларни лингвистик аспектда тадқиқ этишнинг назарий масалалари бугунги кунгача ўрганилмаганлиги икки тилли инглизча-ўзбекча ахборот технологиялари терминлари луғатларини яратишнинг сифатини янада ошириш зарурлигини кўрсатади. Бу эса замонавий тилшуносликда терминологияга оид лексик қатламни ўрганиш аҳамиятини янада оширади.

Хусусан, биринчи навбатда, фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш ва шу каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий луғатлар яратиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, олдимизда муҳим вазифа бўлиб турганини қайд этиш лозим.<sup>3</sup> Она тилимизнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ва луғатлар яратиш орқали лексикография соҳасини ривожлантиришни тақозо этади. Шу жиҳатдан, ахборот технологиялари терминологиясининг лингвистик хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Монография Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-техника дастурлари бўйича илмий-амалий лойиҳасида акс этган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

---

<sup>3</sup> «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида» Ўз.Р.Президенти И. Каримов фармони. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2016 йил. 20 май.

таржимашунослик назарияси ва амалиёти кафедрасининг Тошкент ахборот технологиялари университетининг чет тиллари кафедраси билан тузилган инновацион шартнома асосидаги истиқболли тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисмига киради.

Мазкур монографияни нашр этиш мақсади инглиз ва ўзбек тилларида ахборот технологиялари терминологиясини ва лингвистик хусусиятларини ёритиб беришдан иборат.

Монографияда диахрон ёндашувлар асосида ахборот технологиялари терминларининг шаклланиши таҳлили этилган. Терминологик лексикада юз берган семантик ўзгаришлар аниқланган. Терминларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги структураси, ясалиш усуллари ва моделлари, сўз яшаш сермахсуллиги қиёланган. Ахборот технологиялари терминларининг концептуал-семантик хусусиятлари, синонимик ва антонимик алоқалари аниқлаган ҳамда тиллараро ўхшашликлари ва фарқли жиҳатлари очиб берилган. Ундан ташқари инглиз ва ўзбек тилларида ахборот технологиялари терминларининг таржимада берилиш усуллари ва эквивалентлик хусусиятлари аниқланган. АТ терминлари ҳар икки тил лексик системасида янги терминологик бирликлар сифатида қаралди, илмий-техника терминология тизимидаги ўзига хос ўрни белгиланди. Уларнинг ҳозирги босқичдаги ҳолати тадқиқ этилди.

Муаллиф мазкур монографияни яратишда қимматли маслаҳатлар берган ЎзДЖТУ проректори, профессор, ф.ф.д. Г.Ҳ.Боқиевага, ТАТУ проректори, т.ф.н. З.Ф.Ҳакимовга, ЎзДЖТУ профессори, ф.ф.н. А.М.Мўминовга, ЎзДЖТУ профессори, п.ф.д. Х.С.Мухитдиновага, ТАТУ профессори, т.ф.д. Р.Усмановга, ТАТУ профессори, т.ф.д. Қ.П.Абдурахмоновга, Ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, ф.ф.д. Э.Умаровга миннатдорчилик билдиради.

Монография юзасидан билдиралидиган ҳар қандай фикр-мулоҳаза ва таклифлар учун муаллиф олдиндан миннатдорчилик билдиради. Кейинги нашрларда улар инобатга олинади.



*«If language is not correct, then what is said is not what is meant;  
if what is said is not what is meant, then what must be done remains undone;  
if this remains undone, morals and art will deteriorate;  
if justice goes astray, the people will stand about in helpless confusion,  
Hence there must be no arbitrariness in what is said.  
This matters above everything».*

Confucius

## INTRODUCTION

The twenty-first century has recognized as the age of the information society. The fast flow of information has become the main criteria for the development and prosperity of the country. That being the case, Islam Karimov noted that, "We have to be aware that it would be difficult to achieve our goals in the future without the effect of an explosion of implementing changes of modern information and communication systems in all sectors of the economy and our daily lives. For only a short period of time, we have not only to eliminate the existing shortcomings in many types of information services, but we have to enter the ranks of advanced countries with the high level of information and communication technologies" <sup>4</sup>. In fact «In current circumstances, in the age of the Internet and electronics the introduction of the latest ICT to all sectors of the economy and the further development of the "e-government" system is a priority. World experience shows that, in the global economy ICT including computer and telecommunications technology, software products and a wide range of interactive services has a great role and importance. The development of ICT influences the level of competitiveness of the country, offering the possibility of collecting and summarizing large amounts of information, the opportunities for the establishment of strategic management should not be forgotten."<sup>5</sup> In order to ensure the implementation of the President's program guidelines of the country's social and economic development there are a number of scientific research studies that are conducted to develop the sphere of communication and its adjacent areas.

---

<sup>4</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни кағъият билан давом эттириш йўлида. - Т.: «Ўзбекистон», 2013. -199 б.

<sup>5</sup> И.А.Каримов. «Мамлакатимизни 2015 - йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантриш яқунлари ва 2016 - йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси – 2016й. 16 январь. – 1- саҳифа.

It is accepted that the development of a new science for naming objects and events are closely related to the emergence of terms. In the development of scientific and technical linguistics the needs of the society are recognized as the most important external factors. Terminology is integrated to all areas of science and technology. The level of awareness of any scientific information is defined by knowledge of the specific terms.

With the accelerating of IT, the introduction and application of its achievements into social life and international economic and technical cooperation is rising to a higher level.

In different language systems, such as English and Uzbek, theoretical problems of terminological units in the sphere of IT have not been linguistically investigated yet. This shows the importance of raising the level of quality in compiling English-Uzbek dictionaries on IT and studying the terminology of the modern lexical layer in linguistics.

Since the latest scientific information is published and broadcast in English, the importance of scientific investigation into theoretical problems and linguistic peculiarities of IT terminology in the English and Uzbek languages becomes more apparent.

In particular, «First of all, we must confess that we have an important aim to achieve, that is, to ensure the Uzbek language's real position in the main spheres such as fundamental subjects, modern information and communication technologies, industry, banking and the finance system, law, diplomacy, the military service. For this, modern textbooks, dictionaries on etymology and contrast have to be compiled, new terms and phrases, concepts and categories have to be developed.»<sup>6</sup> In order to establish a worthy place for the Uzbek language in Global network, we have to improve its computer methodology, translation software and dictionaries on the base of Uzbek and widely used world languages by developing Uzbek lexicography. In this regard, the contrastive (comparative) investigation of linguistic and lexicographical problems of IT terminology has vital importance which determines the relevance of the topic.

The research was conducted in accordance with the priorities of development of Science and Technology of the Republic of Uzbekistan: Fundamental-8 "Moral and cultural improvement of democratic and

---

<sup>6</sup> «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида» Ўз.Р.Президенти И. Каримов фармони. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2016 йил. 20 май.



legal society, development innovative economy", Practical Research Program-5 "Information technology, telecommunication networks, hardware and software, intellectual property and teaching methods management aimed at improving the level of information society» and Innovative Research Program «Development of Informatization and ICT».

Research is a part of the scientific and technical programs of the scientific project in Tashkent University of Information Technologies. It is also a part of the plan of perspective research on the basis of the Innovative agreement between the Department of theory and practice of translation in Uzbek State University of World Languages and the Department of Foreign Languages in Tashkent University of Information Technologies.

The purpose of the survey is to study IT terminology and its linguistic peculiarities in English and Uzbek languages.

The history of IT terms formation analyzed on the basis of diachronic approaches and semantic changes of terminological lexicons were defined. The structure of the English and Uzbek IT terms, their formation methods and models, effectiveness of the word were contrasted. Conceptual-semantic features, synonymic and antonymic relationships were defined. The similarities and the differences between the languages were revealed. Translation methods and equivalence properties of English and Uzbek IT terms were studied. IT terms in each language lexical system were considered as new terminological units and their specific place in the system of scientific and technical terminology was determined. Their current state was researched.

# I БОБ. ТЕРМИНОЛОГИЯНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

## 1 §. Тилшуносликда терминологиянинг ривожланиши

Дарҳақиқат, тадқиқот мавзусига бевосита алоқадор бўлган илмий адабиётлар, олиб борилган илмий тадқиқот ишлари билан танишиш ва таҳлил этиш жараёнида фан-техникага доир соҳавий терминларнинг илмий-назарий масалаларини тадқиқ этиш ғояси даставвал Европа ва Россия тилшунослик мактаби олимлари томонидан илгари сурилган ва улар иштирокида аҳамиятга молик нуфузли ишлар амалга оширилган. Дунё миқёсида яратилган мактаблар тажрибасига суяниш яъни, Россия, Европа мамлакатлари терминшунослик мактаблари вакиллари ҳамда мустақиллик йиллари даврида ўзбек тилшунослари томонидан фан-техникага оид терминологиянинг илмий-назарий жиҳатларини ёритиб беришга бағишлаб олиб борилган илмий-тадқиқотлар ўрганиб чиқишни фан-техникага оид терминологияни ўрганиш жараёнини тадрижий ёндашув нуқтаи назардан уч даврга бўлиб ўрганиш мумкинлигини кўрсатди.

- XIX аср бошлари ва иккинчи ярмида дастлаб вужудга келган Европа илмий терминшунослик мактаби фаолияти даври;

- XIX аср охири XX асрдаги Россия илмий терминшунослик мактаби фаолияти даври;

- XX аср охири ва XXI аср бошларида янги АТ технологиялари асрида Европа, Россия ва МДХ доирасидаги давлатлар ҳамда дунё миқёсидаги илмий терминшунослик мактаблари фаолияти даври.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Европа илмий терминшунослик мактабига асос солинди. Унинг таркибини Австрия-Германия илмий тилшунослик мактаби ҳамда Париж илмий терминшунослик мактаби қошидаги Прага лингвистик тўғараги ташкил этади.

Манбаларга асосланиб, дастлабки фан-техникага оид терминларни тадқиқ этиш жараёнини 1930 йиллардан бошлаб кузатиш мумкин. Бу йилларда Европа тилшунослик мактаби асосчиларидан бири Э.Вюстер ўзининг «Internationale Sprachnormung in der Technik, besonders in der Elektrotechnik (International Standardization of Language in Engineering, especially in Electrical Engineering -



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3973> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3973> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3973>